

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 73 (11.384)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

ТОШКЕНТ Ислом университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати «Диний экстремизм хавфини бартараф этишда раҳбар шахснинг масъулияти ва вазифалари» деб номланди.
МИРЗО Улугбек туманидаги «Гулзор» маҳалласида «Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик» мавзусида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир аъзои пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.
ТОШКЕНТ автомобиль йўллар институтида оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш масалаларига бағишлаб талабалар, ўқитувчилар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.
ЎЗБЕКИСТОН Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетида талабаларнинг Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан учрашуви уюштирилди.
«ЁШЛИК» талабалар шаҳарчаси «Манавият ва маърифат» марказида Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида талабалар, ўқитувчилар, Тошкент шаҳар Факултетида вазиятлар бошқармаси ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир «Ҳаётларни сақлашимиз — факултетидаги вазиятда касалхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаймиз» деб номланди.
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЮРТИМИЗДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ ЯРАТИЛГАН АСОСИЙ ОМИЛ БЎЛАЁТГАНИ, 2008 ЙИЛДА ЎЗЛАШТИРИЛГАН БАРЧА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ 50 ФОИЗГА ЯҚИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТЕХНИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб ўзининг импорти ўрнини босувчи рақобатбардор маҳсулотлари билан харидорлари сафини кенгайтириб бораётган «TEZINTOM Ltd» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ҳам ўтган йилда жалб этилган инвестициялар ҳақлари модернизация қилиб, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этишга йўналтирилди. Маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги маҳсулот турларининг янгилиги, сифати ортиши, жаҳон андозаларига жавоб беришига эришишда ақвол кўриниб турибди. Ўтган 10 йиллик фаолияти давомида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотнинг бозорбоп турлари ортди. Ривожланишнинг асосий омили эса юртимизда хориж инвесторларига яратилган имкониятлар, қулайликлар ва ҳуқуқий ҳимояга қаратилган эътибордир, десак асло муволажа бўлмайдими.
Бугунги кунда корхонада 6 та цех фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилда янги технология жихозлар ўрнатилган цехнинг фаолият бошлаши натижасида янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу бунёдкорликда қўлланилган кўзда тутилган пластик ром ва ашик блоклари.
— Корхонамиз республикада биринчилардан бўлиб керамика ва импорт ўрнини босувчи металлчерепицалар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Александр Бандурино: — Ҳозирги вақтда ҳам буюртмаларни тез ва сиз адо этиб, сифатга алоҳида эътибор қаратиб ана шу нуфузимизни сақлаб қолишга, ўз марказимизни ушлаб туришга ҳаракат қилаялми. Шунинг баробарида маркетинг бўлими малакали мутахас-

сисларнинг изланишлари асосида бозор, харидор талаблари чуқур ўрганилмоқда. Бу эса йилдан йилга ортиб бораётган маҳсулот турларида эркин акс этмоқда.
Бугунги кунда корхонада илгор технологиялари самарали қўлланган ҳолда профилли томёкчиликлар, том ва деворлар учун панел ҳамда аксессуарлар, товланган металлдан панжара ва дарвозалар, лок-бўёқлар,

ашёларнинг буюртмачилари сафидан мамлакатимиз ҳудудларидаги қўллаб қурилиш ташкилотлари ўрин олган. Шунингдек, қўшни давлатлардан ҳам рақобатбардор товарларга буюртмалар тушаётганини таъкидлаш ўринлидир. Яна шуни айтиш жоизки, корхона цехларида ишлаб чиқарилаётган металлчерепицаларнинг кўриниши жозибали, биноларга кўркамлик бахш этади, сифати юксак, иқлим шароитига мос ва чидамлидир. Яна бир афзаллик ҳамда қулайлик томони эса сопол черепицалардан 10 баравар енгилдир. Кафолат мuddати эса 30-50 йилни ташкил этади.
Корхонада кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини тинмай ошириб боришга ҳам эътибор билан ёндашилмоқда. Бу энг янги технологияларни ўзлаштиришда, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириб, маҳсулот турларини кўпайтиришда, ички ҳамда ташқи бозорда харидор топишда кўл келмоқда. Масалан, айрим мутахассислар Германия ва Голландиянинг ишлаб чиқариш компанияларида малакаларини ошириб кайтишди.
Ўтган йилда 120 минг метр квадрат металлчерепица, профил томёкчи ва том ҳамда девор панеллари тайёрлаб, харидорларга сотган тадбиркорлар жорий йилда бундан ҳам кўпроқ кўрсаткичга эришиш мақсадида саъй-ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг асл мақсадлари харидор талаблари асосида изланиб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда муносиби ўрин эгаллашдир.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: цехларнинг модернизация қилиниши маҳсулот сифатини таъминлаб, турларини кўпайтирмоқда. Алексей Попов олган суратлар



Қўшма корхоналарда АСОСИЙ МЕЗОН — ХАРИДОР ТАЛАБИ

синтетик ювиш воситалари, яъни соч (шампунь), ойна, идиш ювиш ашёлари ҳам тайёрланмоқда. Албатта, янги цехлар ташкил этиш асосида иш ўринлар ҳам яратилмоқда. Бугунги кунда ишчи-хизматчилар сафи 100 нафарни ташкил этмоқда.
Шубҳасиз, ишчи-ҳодимлар меҳнати етарлича қадрланган жамоада уларнинг кайфияти кўтаринки, ишлари эса унумли бўлади. Корхонада бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ишчи-ҳодимларнинг иш шaroитлари қулай, улар бепул тушлик билан таъминланади, корхонага келиб-кейтишлари учун транспорт воситаси хизмат кўрсатади, соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида спорт мусобақалари ташкил этилади, сиаҳатгоҳларга йўлланмалар ажратилади ва моддий ёрдам кўрсатилади. Буларнинг барчаси сифат ва самарадорликда муҳим аҳамият касб этаётганини эришилаётган ошуқлар, йил якуни бўйича кўрсаткичлар исботлаб турибди.
Корхонада тайёрланаётган бунёдкорлик

МАМЛАКАТИМИЗДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодексининг Наманган вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан меҳнаткашлар ва ёшларнинг санъатта бўлган қизиқишини ўстириш, билим ва истеъдодини бойитиш, бадий ҳаваскорлик жамоаларига кенг жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Тошкентдаги «Туркистон» саройида Қишлоқ таракийёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб «Ўзбекистон, сени қуйлайман» анъанавий республика санъат фестивали ўтказилди.
Миллий матбуот марказида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун тўртинчи бор ўтказилаётган халқаро танлов ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда танлов ҳайъати ва унинг ишчи гуруҳи таркиби аниқланди. Анжуманда таъкидланишича, танлов голиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни арафасида «Туркистон» саройида бўлиб ўтади.
Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Қишлоқ аёлларини ижтимоий таъминлаш» лойиҳаси бўйича танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда жами 7000 нафар аёл қатнашган бўлиб, ҳакамлар ҳайъати 100 нафар иштирокчини имтиёзли микрокредитларга лойиқ кўрди. Танловнинг бошқа қатнашчилари эса лойиҳанинг маълумотлар базасига киритилди ва уларга маслаҳат ҳамда ахборот кўмаги бериб борилади.
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида неврология бўлими фаолият бошлади. Илгари тез тиббий ёрдамга муҳтож неврологик касалликлар билан оғриган беморлар терапия бўлимида даволанарди. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган янги клиник бўлимнинг очилиши бу муаммони бартараф этди.
Сардоба тумани ҳокимлиги ва «Сардобаматлуботсавдо» акциядорлик жамияти ташаббуси билан Пахтаобод кўрғонида замонавий савдо маркази қурилиб, ишга туширилди. Марказ таркибида тўртта ихтисослашган дўкон мавжуд бўлиб, унда қўндалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси бошлаб юборилди. Харидорлар пластик карточкалар билан ҳам савдо қилишлари мумкин.

ЖАҲОНДА

Жазоирда президент сайлови бўлиб ўтди. Унда 6 нафар номзод кураш олиб борган бўлиб, улар орасида ғалаба қозониб учун энг кўп имкониятга эга шахс мамлакатнинг амалдаги президенти, 72 ёшли Абдулазиз Бутефликадир. Сайлов натижалари яқин вақт ичида маълум қилинади.
Грузия пойтахти Тбилисиде мамлакат президенти М.Саакашвилининг истеъфода чиқишини талаб қилаётган муҳолифатчилар намойиши белгиланганидан бир кун олдин бошланди.
Молдова маъмурияти Руминия фуқароларига нисбатан виза тартибини жорий этди. Бунга сабаб шундаки, Кишинёв расмийлари Руминияни Молдованинг ички ишларига аралашганликда айбламоқда.
Боливия президенти Эво Моралес 4 кундан буён очлик эълон қилган. У шу йўл орқали парламентдан сайловлар тўғрисидаги янги қонун қабул қилишни сўрамоқда.
Молдова конституцион суди парламент сайловларидаги овозларни тўлиқ қайта ҳисоблаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу жараён учун 9 кунлик мuddат ажратилди.
Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида мамлакат соғиб қаш вазири Т.Чинават тарафдорлари томонидан кенг қўламадаги норозилик намойишлари ўтказилмоқда. Ҳозирда шаҳарда фавуқлода ҳолат эълон қилинган бўлиб, ҳарбийлар ва полициячилар билан тўқнашув натижасида 70 киши жабрланди. 37 минг нафар ҳарбий Бангкоқда вазиятни ўнглашга ҳаракат қилмоқда.
Вашингтондаги Туссо хоним музейида АҚШ президентининг турмуш ўртоғи Мишель Обама мум ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Мишель Обама мамлакат президенти турмуш ўртоғининг мум ҳайкали тайёрланган учинчи хоним бўлди. Бу ерда АҚШнинг 35-президенти Жон Кеннедининг рафиқаси Жаклин Кеннедининг ҳамда Билл Клинтоннинг турмуш ўртоғи — ҳозирда АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтоннинг ҳам шундай ҳайкаллари мавжуд.
Буюк Британия полицияси террорчиликда гумон қилинаётган 10 кишини ҳибсга олди. Гумондорлар Ливерпул ва Манчестер шаҳарларида ўтказилган тадбирлар давомида қўлга олинган бўлиб, айни пайтда улар полиция томонидан сўроқ қилинмоқда.
АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси махфий қамқоҳоналарнинг ёпилиши ҳақида маълум қилди.

Хорижий мамлакатлар сиёсий, иқтисодий ва эксперт доираларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ҳақидаги баҳс-мунозаралар давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОЛГА БОРМОҚДА

Яқинда Ўзбекистоннинг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигидаги дипломатия ваколатхонаси «Tethys Petroleum Ltd» Британия энергетика компанияси бош ижрочи директори Жулиан Хаммонднинг Президент Ислом Каримовнинг китобига билдирган мулоҳазалари битилган мақбулини олди.
Мақбул муаллифи Президент Ислом Каримовнинг китоби унда қатъи қизиқиш уйғотгани ва Ўзбекистон иқтисодиёти ва молиявий тизимининг ҳозирги ҳолати билан батафсил танишиш имкониятини бергани ҳақида ёзди.
— Мамлакатни оқилона бошқариш ва мутаносиб олиб бориш иқтисодий сисёат Ўзбекистонни бугун бошқа давлатлар дуч келаётган Америка Қўшма Штатларидан бошланган иқтисодий инқироз билан боғлиқ муаммолардан ҳимоя қилишга алоҳида эътиборини тортди. Молиявий тизим ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг тартибга солинишида давлатнинг муҳим ўрин тутганлиги мамлакатда молиявий интизом шаклланишига асос бўлди. Бунга бир мисол сифатида иқтисодиёт учун самараси бўлмаган қисқа мuddатли фойдага эмас, узок мuddатли инвестицияга асосланган банкларнинг кредитлашуви юзига келди, — дейилади Ж. Хаммонд мулоҳазасида.
Шунингдек, унинг таъкидлашича, «Қисматнинг ҳазилини қарангки, айнан ўша кўп муаммоларга дуч келган мамлакатлар, хусусан, Буюк Британия ҳам эркин бозор тарафдори эди ва узок давр мобайнида унга давлат жуда кам даражада аралашарди. Энди эса бундан воз кечишди ва давлатнинг қатъий тартиб асосида эркин бозорга кўпроқ арала-

шиши ҳақидаги фикрни илгари суршимоқда. Ўзбекистон бутун ўтган вақт давомида ушбу мутаносибликни сақлаб келди ва бунинг натижасида у бугун мактовга сазовор.
Давлат ва эркин бозор ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳар қандай иқтисодиёт учун самарали ва узок мuddат давомида фойдали бўлишини бугун бугун дунё ҳис қилмоқда, бунинг Ўзбекистон таърибаси тўла намён этмоқда.
Ж. Хаммонднинг фикрига кўра, бунинг натижасида иқтисодиётнинг кўпгина мамлакатларнинг ҳаваси келадиган сурьатда ўсишига эришилади. Президент Ислом Каримов тобора кўлами кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган иқтисодий инқироз Ўзбекистонга таъсир этмайди деб ўйлаш хато эканлигини таъкидлайди ва мамлакат раҳбари бунинг оқибатида экспорт ҳажмининг пайсаяиши кутилишини қайд этади. Бу савдонинг ўсиб келаётган тармоғи ҳисобланган саноат ва тайёр маҳсулот экспорти билан боғлиқдир. Ривожланишни тезлаштирадиган ва иқтисодиётни диверфикациялашга замин яратадиган инновацияга сармоя киритиш давом этмоқда. Бу, менимча, иқтисодиётга барқарорлик олиб келади.
Мулоҳазалар муаллифи қуйидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашди: «Банк тизимини ривожлантириш учун уларни қўллаб-қувватлаш ҳаётий муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Банк тизими ҳар қандай давлатнинг ҳаётини таъминлаб туривчи тармоғи бўлиб, унга ана шу даражасига қараб баҳо бермоқ керак. Иқтисодиётни модернизация қилишга хизмат қиладиган Тикланиш ва таракийёт

жамғармаси ва кичик бизнесни кредитлашнинг муҳим манбаларидан бўлган «Микрокредитбанк» каби бошқа молиявий институтлар сингари, албатта банкларни ҳам қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини мустаҳкамлаш зарур».
— Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳам аҳоли бандлик даражасининг ошиши учун асосий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади. Китобада ҳукуматнинг мактаб ва бошқа таълим муассасаларини реконструкция қилиш каби кенг қўламли ижтимоий дастурни ривожлантириш бораберида қандай қилиб ушбу соҳаларни қўллаб-қувватлаш мумкинлиги аъло даражада ифодаб берилган.
Ўзбекистонда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва унинг барча муҳим соҳаларни қамраб олган беш йўналиши, мен ўйлайманки, жорий молиявий инқироздан чиқишнинг йўли ҳисобланади.
Британия компаниясининг бош ижрочи директори Ўз шарҳини шундай якунлайди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сисёат учун юксак мукофотга муносиб. Биз кўпгина у ёки бу мамлакатнинг яхши ривожланаётгани ёки ривожланмаётгани ҳақида билмаймиз, айни пайтда уларнинг инқирозга қай даражада бардор бера олганликларини кўрмасимиздан туриб бунинг аниқлаш мумкин. Шу маънода, Ўзбекистон бугунги кунда ўз таракийёт йўлида ишонч билан олға бормоқда ва унга эркин келажак буй кўрсатмоқда.»

«Жаҳон» АА, Лондон

«Жаҳон» АА

ТАДБИРКОР

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хом ашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратди, бу, ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналар, бу борада ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди.

Айни вақтда ишлаб чиқариш корхоналари билан кооперация асосида барпо этиладиган касаначиликни ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаётгани барчага маълум. Бу борада мамлакатимизда иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида:

— меҳнат қонуналигини тақомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни

инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

— саноат корхоналари билан уларнинг буюртмачилари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчи-

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНING БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА КАСАНАЧИЛИКНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИНИ КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЖУМЛАДАН, УНИНГ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КООПЕРАЦИЯСINI КЕНГАЙТИРИШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА. ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИНГ МУСТАҲҚАМЛАНИШИ ОИЛА БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДЕК МУҲИМ МУАММОНИ ҲАЛ ЭТАДИ, ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИ СОНINI КЕСКИН ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ФАОЛ ҚИСМИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖАЛБ ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ. АЙНИ ПАЙТДА КАСАНАЧИЛАР ИШ СТАЖИНИ ҲИСОБЛАШ, УЛАРГА ПЕНСИЯ ВА ИЖТИМОЙ СУГУРТА БЎЙИЧА НАФАҚАЛАР ТАЙИНЛАШ ҲУҚУҚИ ТАЪМИНЛанади.

ладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли

нологиясига тўлиқ амал қилта тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмаслиги, бун-

(ишлар, хизматлар)нинг қайтариллиши улгуржи савдо ҳисобланмаслиги ва лицензияланмаслиги, касаначилар фаолияти буюртмачи-корхона қонунчилигида белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилиши, шунингдек, товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар доимий равишда меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиниши белгилашни лозим.

Дарҳақиқат, бугунги кунда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Феруза ИБРАТОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг «Ҳўжалик ҳуқуқи ва жараёни» кафедрасининг ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди

Фармон ва ижро

КАСАНАЧИЛИК СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

лик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш; — корхоналарнинг буюртмачилари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хом ашё, материаллар ва ярим фабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шартномалар яратиш касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жум-

қарори билан Касаначилик тўғрисидаги низом тасдиқланган бўлиб, унда махсус техника хавфсизлигига амал қилишни тақозо этадиган, уй шароитида назорат қилиш имкони бўлмаган, қучли ток билан ишлайдиган, катта энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб бўлган ускуналарни, шунингдек, хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга бериш, ижара ва лизинг асосида тақдим этиш ҳамда улардан уй шароитида фойдаланиш тақиқланиши белгиланган. Шунингдек, корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилиши, касаначилар буюртмачи-корхоналарнинг ишлаб чиқариш тех-

да уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича белгиланган стандартларга риоя қилиш бўйича масъулият, у саноат корхоналарига қайтарилганда касаначилар зиммасига, охириги истеъмолчига сотишда эса саноат корхонаси зиммасига юкланиши кўрсатилган.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида «Касаначилик тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши, ушбу қонунда меҳнат шартномаси бўйича ишлайётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотлар

БОЗОР ТАЛАБИ АСОСИДА ХАРИДОР ДИД ҲАМДА ЭҶТИЁЖИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. ШУНИНГ БАРОБАРИДА БУНДАЙ РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАРНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН БЎЛАДИ, БУЮРТМАЧИЛАРИ САФИ ҲАМ ОРТИБ БЕРАДИ.



Бозор ва харидор

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛанади



Ана шундай маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлиги, уларнинг импорт ўрнини боса олиши ва ички бозорда муносиб ўрин эгаллаётгани қувонарлидир. Бу, албатта маҳаллий тадбиркорларимизнинг изланишлари ва уларга яратилган кенг имкониятлар, берилаётган кафолат ва имтиёзлар самарасидир. Энг муҳими эса улар томонидан замонавий техника ҳамда илгор технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига эришилаётгани баробарида қадоқланиши ҳам талабга тўла жавоб бераётганидир.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TOSHKENT MANUFACTURA» хусусий корхонаси тадбиркорлари ҳам ана шундай ишлаб чиқарувчилар сирасига кириб, фаолият бошлаганига кўп бўлма-са-да, маҳсулотлари харидорини топмоқда. Бунинг асосий боиси бозорбоп маҳсулот тайёрланаётганлиги, ишни тўғри ташкил этишга эришилаётганлиги, тадбиркорлар учун яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланилаётганидир.

— Албатта, истеъмолчи талабини қондириш учун бугунги кунда бозорни тинмай ўрганиш зарур. — дейди корхона директори ўринбосари Фарруҳ Расулов. — Шунингдек, ана шу талабга мос маҳсулот тайёрлаш учун эса за-

монавий дастгоҳларни топиш зарур ва муҳимдир. Цехларимизга ўрнатилган Туркия, Хитой, Россия давлатлари фирмаларининг ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш дастгоҳлари ишчи-хизматчиларимизга ниҳоятда қўл келмоқда. Корхонамизда 30 нафар малакали ишчи-ҳодимлар меҳнат қиладди. Уларнинг меҳнат самараси бўлган 90 хилдаги маҳсулотимиз мамлакатимиз бўйича харидорларга етказиб берилаяпти. Йилдан-йилга бозориги, сифатли маҳсулотларимиз турларини кўпайтиришга, уларни қадоқлашда харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олишга эътибор қаратаёلمиз.

Корхонада Германия, Италиядан келтирилган хом ашё асосида соч ювиш воситалари, идишларни тозалаш ва ювиш ашёлари тайёрланади. «Bravo», «Vesta», «Фруктовая фантазия», «Perla», «Лесная лужайка», «Восточный букет», «Богиня», «Bliss» сериясидаги ранг-баранг, турли ҳажмда қадоқланган шампунлар сочларингиз мустаҳкамлигини таъминлаб, жилосини ошири-са, «Solo lux» савдо белгиси остида тайёрланаётган ювиш воситалари уй бекаларининг эҳтиёжини қондириб, тозалаш муҳим ҳисса бўлади. Шунингдек, яқинда «Неон», «Золушка» сингари янги ювиш ашёлари ҳам харидорларга тортиқ этилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки,

барча маҳсулотларнинг ўзига хос хушбўйи, бири-биридан чиройли қадоқланиши истеъмолчиларга манзур бўлмоқда ва сертификатланган.

Изланиш, янгилик яратишга сазой-ҳаракат бор жойда муваффақият ҳам келаверади. Буни ўз меҳнат фаолиятида яққол кўраётган тадбиркорлар ташаббус кўрсатишдан, интилишдан чарчашмапти. Корхонани кенгайтириб, ёшлар учун қўшимча иш ўринлари ташкил этишга интилаётган ишбилармонлар хозирда Италиядан яна бир янги технологик жиҳоз келтиришни режалаштиришган. Албатта, бу янги маҳсулот турларини яратишда уларга ниҳоятда қўл келади. Ванналар учун қуқунли ювиш воситалари тайёрлаш ҳам кўзда тутилмоқда.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхона раҳбари Баҳром Аҳмеджонов Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туман босқичида фаол иштирок этиб, «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Шубҳасиз, бундай рағбат жамоа ахлини янги муваффақиятларга чорлайди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхонада мана шундай сифатли маҳсулотлар тайёрланади.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

«Ташаббус — 2009»

совриндорлари

ИҚТИДОРИ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

«ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ», «ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР» ДЕГАН ИБРАТЛИ ИБОРАЛАРИМИЗ БОРКИ, БУЛАР БЕЖИЗГА АЙТИЛМАЙДИ. ЧИНДАН ҲАМ БУГУНГИ КУНДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ, ҚЎЛИ ГУЛ ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗНИНГ ИЗЛАНИШ ҲАМДА ИНТИЛИШЛАРИ, ҚАНОТ ЁЗАЁТГАН ТАШАББУСЛАРИ УЛАРНИ ЭЛ-ЮРТТА ТАНИТМОҚДА.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ҳунари гўзаллар орасида ёғоч ўймаkori, ёш ва иқтидорли уста Файзулла Юсупхўжаевнинг ўз ўрни, алоҳида нуфузи бор. Шу боис бўлса керак, унга кетма-кет муваффақиятлар ёр бўлмоқда. Президентимиз соврини учун анъанавий тарзда ўтказилиб, энг маҳоратли ва изланувчан тадбиркор ҳамда ҳунармандини эл-юрт олқишига сазовор этаётган «Ташаббус» кўрик-танловида Файзулла ўзининг ҳар йили янги маҳсулотлари билан мунтазам равишда фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда у «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туман ва Тошкент шаҳар босқичида ўз иқтидорини намойён этиб, «Энг яхши ҳунармандин» йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритди.



— Юсупхўжаевлар сулоласининг вақили сифатида болалигимдан ота-боболарим ҳунари — ёғоч ўймакорлигига меҳр қўйдим, — дейди Файзулла Юсупхўжаев. — Акам Фариддин ва тоғам Акмал Азларов ушбу ҳунар сирларини мукаммал эгаллашимда менга катта ёрдам беришди. Албатта, ёғоч ўймакорлигига ниҳоятда меҳр қўйганим боис ҳам унинг нозик жиҳатларини сабр-қаноат билан ўргандим. Хозирда «Абулқосим» мадрасасида ўзим ҳам 30 нафар ёш шогирдларимни ҳунар сирларидан воқиф этаёлман. Утган йиллар мобайнида миллий кадриятларимизни ёқин ифода этувчи жуда кўплаб буюмлар яратишга муваффақ бўлдим. Улар орасида ранг-баранг эшиклар, лаган, қутича, лавх, қаламдон ва бошқа буюмлар алоҳида ажралиб туради. Ҳамкасбларим билан Москва шаҳрида қурилаётган бино учун тошойнали эшик ҳам ясаб бердик. Шуниси қувонарлики, ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларимизга хорижий сайёҳлар ҳам харидор бўлишди, уларни ажабланиб, завқланиб томоша қилишганда ота-боболаримизнинг маъмур ҳунаридан, унинг ривожига озми-кўпми ҳисса қўшаётганидан фахрланиб кетаман.

Ёғоч ўймаkori ушбу ҳунарни Тошкент йўналишида ишлайди. Айни кунларда у қадимий ва ҳаммиса навқирон Тошкентимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ёғоч ўймакорлигининг турли маҳсулотларини яратмоқда. Миниатюрраччи-рассомлар билан ҳамкорликда ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларига керамикани уйғунлаштирган ҳолда бетактор буюмлар яратишга интиломоқда. Шунинг баробарида у С.Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига сабоқ бериб, уларга миллий ҳунарманчилик сирларини ўргатмоқда. Шунингдек, у янги эскизлар, композициялар устида иш олиб бормоқда. Бундай изланишлар, албатта, ўзининг ижобий самарасини бериб, Файзулланин иқтидорини яна бир бор намойён этади.

Шарофат БАҲРОМОВА
СУРАТДА: ёғоч ўймаkori Файзулла Юсупхўжаев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДАДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуни асосида ижро тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Жорий йил 14 январда қабул қилинган «Ижро иши юритиш тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан суд қарорлари ижро этилиши кафолатлари янада кучайтирилди.

Қўшма пленум муҳокамасига киритилган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўллашда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги қарор лойиҳаси шу соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган.

Муҳокама этилган Пленум қарорининг лойиҳаси мазкур қонунни ҳаётга тўғри татбиқ этиш, бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш, судлар томонидан чиқарилаётган қарорларнинг сўзсиз ижро этилишига хизмат қиладди.

Шу кун Олий суд пленуми ҳам бўлиб ўтди. Унда «Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўқинчилик қилганлик учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарор лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидлаганидек, «Ижро иши юритиш тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Жиноят кодексининг 232-моддаси янги тахрирда баён этилган. Ушбу модданин эски тахририда фақат мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланмаган эди. Эндиликда суд ҳужжатларини сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида қонунда суд ҳужжатини ижро этмаган жисмоний шахсларнинг ҳам жавобгарлиги белгиланди. Бундай қилмишларни содир этган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги эса кучайтирилди.

Ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам ўзгартишлар киритилди. Яъни, ижро ҳужжатини ижро этмаслик, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Юқорида қайд этилган қонун меъёрларини жиноят ишлари бўйича судлар томонидан тўғри қўллаш, бу борада ҳам бир хилдаги суд амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур Пленум қарорининг лойиҳаси йўналиши иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ХАРИДОРГИР ПОЙАБЗАЛЛАР

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.

2007 йилдан фаолият юритаётган «NUR-RAYSHAN» масъулияти чекланган жамияти шулар сирасига кириди. Утган давр мобайнида жамоа ахли ички бозоримизга сифатли, бежирим, қулай ва асосийни, нисбатан арзон пойабзалларни ишлаб чиқариб, етказиб бermoқда. Ҳозирда маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган мазкур корхонада 100 нафарга яқин малакали, ўз касбининг усталари бўлган ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилиб, табиий чармдан аёл, эркек ва болалар учун харидоригир оёқ кийимлар тайёрланмоқда.

Бунинг учун цехларда жамоа ахлига қулай шарт-шароитлар яратилган, яъни жамият тадбиркорлари муваффақиятини таъминлаш мақсадида цехларни замонавий хорижий технологик линия, самарали дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашган. Пойабзалларнинг харидоригирлиги таъминланганлиги боис, маҳсулотлар бутун республика бўйлаб буюртма асосида етказиб берилади. Шунингдек, маълум соҳа мутахассислари, ишчилар учун масалан, «Чирчиқмобсанот» акциядорлик жамияти, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, тоғ-металлургия комбинатларига махсус пойабзал (сув ўтказмайдиган, ёнмайди, турли моддалар ёрдамида ишлов берилган материаллар танланган) буюртма асосида тайёрланади. Уларнинг сифатида асосий эътибор қаратган ҳолда янги турларни яратиш устида доимий иш олиб борилади, бунда дизайнчилар меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Ўз навбатида ҳар бир пойабзалнинг чиройли, кўркам, мустаҳкам, чидамли бўлишини таъминлаш билан бирга барча буюртмалар ўз муддатларида бажарилишида ишчиларнинг хизмати беқиёс.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



Маълумки, ғўзал баҳор ва Наврўзи оламнинг шуқули онларида шахримиздаги барча олий ўқув юрларида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Миллий либос — миллат кўзгуси», «Тошкентнинг ой қизиман», «Кийиниш маданияти ва ахлоқ» мавзуларидаги кўрик-танловлар, маданий-маърифий тadbирлар, миллий либослар намойиши низоьта қизиқарли ва мазмунли ўтаётганлиги билан диққатга сазовор бўлмоқда. Жумладан, яқинда Тошкент Фармацевтика институтида ўтказилган танлов ҳам Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган, «Миллий либос — миллат кўзгуси» ва «Тошкентнинг ой қизиман» деб номланди. Танловда Тошкент шаҳар хожими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ва Тошкент Фармацевтика институти ректори Аҳмад Юнусўжаев сўзга чиқиб, йилгиланларни аввало юрти-

Танловлар

МИЛЛИЙ ЛИБОС — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Гўзал ва латофатли айларимиз, лобар қизларимизнинг эғнида миллий матоларимиз бўлган атлас ва адресдан тикилган хушбичим либослар уларнинг ҳуснига янада ҳусн ва кўркамлик бахш этиши шубҳасиз.

мизда кенг нишонланаётган Наврўз айёми билан кўтладилар ва талаба-ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни эъозлашда бу каби танловларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб ўтдилар ва иштирокчиларга омад тиладилар. Шундан сўнг саҳнада институтининг фармация ва саноат фармацияси факультетлари талаба-қизлари тўртта шарт бўйича ўзаро беллашуви бошлаб юбордилар. Танишув шарида қизлар институтининг факультетлари бўйича қироили кўриниш ва материалларни тайёрладилар. Иккинчи «Қадимий ва ҳаммаша навқирон Тошкентим» деб номланган шартни бажариш жараёнида талабалар Тошкент шаҳрининг тарихий обидалари бўйича қизиқарли маълумотлар, хусусан, 1874 йили очилган биринчи дориҳона бўйича маълумотлар бериши ва фармацевт

олимлар ҳаёти ва ижоди тўғрисида саволларга жавоб қайтариши. Учинчи шарт «Тошкентимнинг либослари» деб номланди, унда қизлар шаҳар худудига хос миллий либосларни саҳна кўринишлари орқали намойиш этиши. Тўртинчи «Тошкентим — она шаҳрим» мавзусидаги шартда иштирокчи қизлар эркин мавзуда асосан миллий маданиятимизга мос ва хос бўлган ашула ва рақсларни ижро этиб, йилгиланларнинг оқишига сазовор бўлдилар.

— Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, — дейди Тошкент Фармацевтика институти хотин-қизлар кўмитаси раиси Нафиса Тошматова, — қадимидан илм-фан ва маданиятнинг йирок маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини унинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш ҳамда талаба-қизларимиз қалбидан она шахримизга бўлган ҳурмат ва



раиси Нафиса Тошматова, — қадимидан илм-фан ва маданиятнинг йирок маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини унинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш ҳамда талаба-қизларимиз қалбидан она шахримизга бўлган ҳурмат ва



садоқат туйғуларини янада ошириш, қолаверса, Тошкентнинг миллий қадриятларини тарғиб этишдан иборат. «Миллий либос — миллат кўзгуси» кўрик-танлови икки номинацияда, яъни миллий таомлар ва миллий либослар йўналишида ўтказилиб, талаба-қизлар иштирокида кафедра-ларда вилоятлар бўйича миллий таомлар тайёрланди. Иккинчи номинацияда мамлакатимизнинг барча вилоятлари бўйича миллий либослар намойиш этилди. Унда асосан либоснинг тарихи, унинг ғўзаллиги, қулайлиги, вилоятларга мослиги каби томонларга эътибор қаратилди. Талаба-қизлар танлов жараёнида вилоятларнинг урф-одатлари, аънаналари ва қадриятларини намойиш этишди. Танлов сўнггида ғойиблар аниқлаб институти раҳбарияти, хотин-қизлар кўмитаси, касба уюшмаси ҳамда «Камолот» ЁИХ томонидан Фаҳрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: танловдан
лавлалар.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан шаҳар Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири раҳбарлигидаги маънавият маркази ҳам-

Кенгаши раиси, подполковник З. Раҳматов, шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари И. Абдуғанов, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири раҳбарлигидаги маънавият маркази раҳбари, подполковник Н. Хикма-

шакллантирилгани, айни чоғда маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан етуқ харбийларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, шундан келиб чиққан ҳолда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан чақирқача бўлган ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спортга бўлган иштиқолларини ошириш, спортнинг техник ва амалий турларини омма орасига олиб кириш, Қуролли Кучлар учун техник мутахассислар тайёрлаш, улар сифатини юксалтириш, курсантларда ҳарбий кўникмалар

ПОЙТАХТИМИЗ

БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Тошкент шаҳар Халқ таълими бошбошқармаси томонидан «Қадрдон Тошкентим 2200 ёшда» мавзуида расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга таяёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида» ги қарориди шаҳарнинг тарихи ва бугунги ҳаётини тарғиб этиш орқали ёшлар қалбидан Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар халқ таълими бошбошқармаси томонидан ташкил этилган «Қадрдон Тошкентим 2200 ёшда» кўрик-танловида пойтахтимиздаги барча мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ўзлари чизган расмлар билан иштирок этиди.

Танлов якунига кўра «Мавзу бўйича энг яхши расмлар» номинациясида шахримизнинг Юнусобод туманидаги 304-мактабгача таълим маскани тарбияланувчиси етти ёшли Усмонбек Аббаров, «Ўзига ҳослик ва ижодий ёндоршув» номинациясида Ҳамза туманидаги 141-мактабгача таълим маскани тарбияланувчиси олти ёшли Хулқар Раупова ҳамда Юнусобод туманидаги 304-мактабгача таълим маскани тарбияланувчиси тўрт ёшли Дивера Избошева биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ижодий беллашув доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият қарвон саройида болаларнинг пойтахтимиз ҳаётига оид энг яхши расмларидан иборат кўргазма ташкил этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Ёшлар кўнгли

ФАҲР-ИФТИХОРГА ТЎЛДИ

Куни кеча Темурийлар тарихи Давлат музейида кўна ва ҳаммаша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, буюқ Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллиги ҳамда Миллий армиямизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳиятига қаратилган маънавий-маърифий тadbир бўлиб ўтди.

тов ва бошқалар жорий йилда катта тантана билан нишонланадиган кутлуғ тўйга кўриллаётган катта таяёргарлик, буюқ саркарда Амир Темур ҳаёти, сўнмас жасорати ҳамда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, ҳар қандай вазиятда она Ватани ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз

Халқаро пазандалар ассоциацияси (WACS) ва Туркия Ашчилар федерацияси «ТАҒ»нинг таклифига биноан Ўзбекистон ошпазлар ассоциациясининг бир гуруҳ пазандалар бир ҳафта давомида Туркияда ўтказилган 7-Халқаро гастрономия пазандалар фестивалида иштирок этидилар. Фестивалда дунёнинг 15 та давлатидан пазандалар, қандаолтчилар, собзавот ва ҳўл мевалардан ҳар жил шакллари йўлб ишлайдиган пазандалар — карвингчилар қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этидилар. Яъни улкан халқаро маҳорат кўриғида Англия, Болгария, Мўғулистон, Руминия, Озарбойжон, Қозоғистон, Украина, Канада, Сербия, Молдова, Россия, Ўзбекистон, Туркия, Греция, Венгрия давлатларининг 992 дан ортиқ пазандалари ўзларининг бетакрор касб малакаларини кўрсатдилар.

Биз ва жаҳон

ЮРТИМИЗ

пазандаларининг улкан ютуғи

Албатта, нуфузли фестивалда қатнашиш учун мамлакатимиз пазанда ва қандаолтчилари уч ой давомида жиддий таяёргарлик кўришди. Бу борада ўз маҳорати, тажрибаси, таклифлари билан ёшларга пазандалар ассоциациясининг раиси Акбар Умаров, халқаро фестивалларнинг уч қарра ғойиб Абдусаттор Саодов, пазандалар ассоциацияси аъзоси муҳандис-технолог Ахилияс Костос Стергидис, Пазандалар ассоциацияси бош мутахассиси муҳандис-технолог Суннатилла Сулаймоновлар муҳим сабоқ беришди.

Шундай қилиб, жуда кучли рақобат муҳитида мамлакатимиз вакиллари балиқ таомлари, хамир таомлари, ресторани ширинлиги, карвинг (сабзавот, меваларга қироили шакл бериш) номинациялари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиб, улкан муваффақиятга эришдилар. Яъни, Абдусаттор Саодов карвинг ва Гран при номинациясида биттадан олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган бўлса, Суннатилла Сулаймонов худди шундай йўналишлар бўйича 2 та олтин нишон, Илҳом Турсунов балиқ ва паста таомлари учун биттадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Шунингдек, Мухаммадали Алиевга учта номинацияга кўра битта кумуш ва иккита бронза, Музаффар Худойбергенов кумуш, Азизбек Йўлдошев эса иккита бронза медаллари билан тақдирланди. Шундай қилиб, нуфузли халқаро фестивалда юртимиз пазанда ва қандаолтчиларининг 3 та олтин, 4 тадан кумуш ва бронза медаллари, иккита дипломга лойиқ қўриллиш билан ютуқ сифатида баҳолаш мумкин.

(Ўз муҳбиримиз)

ҒОЛИБЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ёшларни эркин, ижодий фикрлашга ўргатиш, тафаккурларидаги ўй-кечинмаларни ёзма равишда ифодалаш ва рангли бўёқларда тасвирлашлариغا қўникма ҳосил қилиш уларнинг дунёқараши шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази маънавият алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу тизимда, шу жумладан Тошкент Архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда «Менинг орзу-истакларим» мавзусида танлов ўтказилганлиги иктидорли ёшларни аниқлаб, уларни рағбатлантиришида алоҳида аҳамият касб этиди.

— Икки йўналишда ўтказилган танловда 370 на-

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ

РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтдаги «Радиосон — САС — Тошкент» меҳмонхона мажмуасида Халқ таълими вазирилик ва Иқтисодий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда «Алоҳида эътиёб билан пазандалар таълим мавзусининг иқтисодий, ташкилий ва иқтисодий аспекталири» боришида давра суҳубати ўтказилди.

Эътиборга муҳтож болаларга таълим бериш муаммолари, шунингдек, Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш истиқболларига бағишланган тadbир-да Халқ таълими вазирилик ва идоралари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этиди.

Мамлакатимизда иқтисодий ҳимоя ва доимий эътиборга муҳтож болаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг ҳаётида ўз муносиб ўринларини топиш йўлида барча зарурий чора-тadbирлар қўриломқда. Республикаимиз ҳукумати ногирон болаларнинг соғлом тенқурларни қатори миллий руҳда тарбияланиши, ақлий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан камол топиш, иқтисодий ҳаётга етуқ фуқаро даражасида таяёр бўлишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда 89 та мактаб ва мактаб-интернатлари мавжуд бўлиб, уларда 18 000 нафар бола таълим олмақда. Жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган 11 000 нафар болага эса уй шароитида таълим-тарбия берилмоқда.

Тadbирда Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш Концепциясининг таълимоти, таълим олиндида тенгликни таъминлаш борасида хукукий-меърий асосларни мустаҳкамлаш, инклюзив таълимни ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитни яратиш, алоҳида иқтисодий кўмакка эҳтиёж сезадиغان болаларни эртароқ аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ота-оналарга зарурий маълумотларни олиш имкониятини яратиш каби масалалар муҳима қилинди.



Савол: — Кўпинча давраларда «фалон нарса онандан ёки отамдан қолган, у фақат менга тегишлидир» деган гап-сўзлар қулқоққа қилиниб қолади. Шу муносабат билан эр ва хотиннинг мулккий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкка қандай эгаллик қилиши ҳамда ундан фойдаланиши ҳақида тушунча берсангиз.

Ҳурмат билан Асалия Наврўзова,
Собир Раҳимов тумани.

Жавоб: — Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулкларини, шунингдек, никоҳ қайд этилганга қадар, бўлажақ эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкларини, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқа ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади.

Бундай мол-мулк жумласига эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат ҳамда тadbиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқа зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) қиради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига киритилган улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулкларини, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулк ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-ўзғор ишларини юртиши, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа урли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Шунингдек, эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулк бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларига эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга ошириллаётганлигини англатади.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим.

Саволнинг биринчи қисмидаги таъкидга нисбатан айтиш жоизки, Оила кодексининг 25-моддасига биноан эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулкни, шунингдек, уларда ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулк улардан ҳар бирининг ўз мулк ҳисобланади.

Савол: — Турар жойни хусусий мулк қилиб олишнинг тартиб-қоидалари ҳақида тушунтириш беришлигини истардим.

Алижон Мақсудов,
Шайхонтоҳур тумани.

Жавоб: — Уй-жой кодексининг 22-моддасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг турар жойни хусусий мулк қилиб олиши асослари белгиллаб берилган. Унга кўра, улар қўидаги йўллар билан турар жойни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эгалар:

- якка тартибда уй-жой қуриш;
 - якка тартибда қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой қуриш;
 - уй-жой облигацияларини олиш;
 - олди-содди, ҳада ва айирбошлаш;
 - умрбод таъминлаш шарти билан уй (квартира)-ни бошқа шахсга бериш;
 - мерос олиш;
 - қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга биноан ҳам хусусий мулк қилиб олишлари мумкин.
- Ушбу кодекснинг 23-моддасига кўра эса хусусий мулкда уйи (квартираси) бўлган фуқаролар улардан ўзлари ва оила аъзолари яшаши учун фойдаланадилар. Улар уйга (квартирасига) бошқа фуқароларни кўчириб киритишга, шунингдек, тегишли тартибда ижарага бериш шартномаси асосида бошқа фуқароларга яшаш учун бериши ҳақидирлар.
- Мулкда уйи (квартираси) бўлган фуқаролар улардан бошқа фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда бошқа мақсадларда ҳам фойдаланишига ҳақидирлар.

Савол: — Газетанигиз ўтган сонларидан бирида бир неча тоифадаги ворислик ҳусусида ҳуқуқий талқин берилган эди. Уни ўқиб туриб, меросдан мажбурий улуш олувчилар сирасига қимлар қиради, мерос олишда эр ёки хотиннинг қандай ҳуқуқлари бор, деган саволлар туғилди. Ана шуларга жавоб берсангиз.

Соҳиба Шамилова,
Чилонзор тумани.

Жавоб: — Мерос қолдирувчининг воёга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, вазиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганлариди улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг қисмида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросқўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросқўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросқўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақидирлар.

Васиятнома ёки қонун бўйича эр (хотин)га тегишли бўлган ворислик ҳуқуқининг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулккий ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига даҳл қилмайди.

Икром ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос

03-03 ҲАҚИҚАТ ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Мунчалар сувратга ўчсен, мубтало, Бас, келур бошинга андин юз бало.

Бўлма сувратларга дўст, эй беҳабар, Бир-бири бирлан ганимдирлар улар.

Ишқ шоғирддир, хусн устодидир...

Илми зоҳир кибру ғавго келтирур, Ишқи ботин сўзу савдо келтирур.

Кимки беишқ илму дониш истагай, Илму бирлан молу давлат излагай.

Улки суврат дер, узокни кўзламас.

Учма сен сувратга, маъни кўзлагил.

Кун келур, сен унда англрсен аён, Не зарар кўрдинг жаҳонда, не зиён.

Хар нафас умринг асл гавҳар эрур, Ҳақ сари бошловчи бир раҳбар эрур.

Эр киши гар дорга тикса бошини, Шер бўлиб этгай аён бардошини.

Бошимизда гарчи дунё офати, Ҳаммадин оғир вале нон захмати.

Тоҳу тахтага гар туташгайдир йўлинг, Лек кетар чоғингда бум-бўшдир қўлинг...

Даҳр аро умрингни зое айлама...

Неки бор, ул бир нафасда ўтгуси, Умр оний бир ҳавасда ўтгуси.

Бир нафас эрса висол ул, васли йўқ, Мен нечук кургим иморат, асли йўқ.

Номуродлик бирла бўлсанг тийра хол, Нолима, бир зумда кечгай бул малол.

Етса гар бир ранжу озорлик сенга, Иззатингдир бул, эмас хорлик сенга.

Кимки суратда сенга ранж айлагай, Ранж эмас ул, аслида ганж айлагай.

Ишқ йўлида бўлса дўстлик, эй киши, Жўш урар жонингда шавқи, шўриши.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



«СУВ ПАРИЛАРИ» БЕЛЛАШДИ

Синхрон сузиш бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида жуфтликлар баҳсида ғолиб чиққан тошкентлик спортчилар — Валентина Попова ҳамда Анастасия Рўзметова дуэти мусобақа олтин медали ва Япония очик чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Гуруҳ беллашувларида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган спортчи қизларнинг чиқиши ҳақамлар томонидан юқори баҳоланди. Иккинчи ўрин Андижон жамоасига насиб этган бўлса, самарқандлик қизлар кучли учликдан жой олди.

ГИЛАМДА ПОЛВОНЛАР

Пойтахтимизда юнон-рум кураши бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида икки юз нафардан зиёд ёш курашчи ғолиблик учун гиламга чиқди.

Мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга уратган бухоролик Аҳмад Маҳмудов, Феруз Тўхтаев, пойтахтлик Асрор Мухиддинов, Ферузбек Хотамов, Мухриддин Собиров, Шерзод Акбаров, Окунжон Ёқубов, фарғоналик Бобур Зайлаҳуддинов, андижонлик Лазиз Бақиров ва Тошкент вилояти вакили Сардор Қорбғдиев олтин медал билан тақдирланди.

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР СОВРИНДОР

Россиянинг Анапа шаҳрида болалар ўртасида футбол бўйича ўтказилган халқаро турнирда «Пахтакор» (Тошкент) жамоасининг 1993 йилда туғилган футболчилари фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Дмитрий Ким устозлик қилаётган футболчиларимиз гуруҳ беллашувларида Россия жамоаларидан «Красногвардеец»ни 1:0, «Спартак»ни (Кострома) 7:0, «Зенит»ни 1:0 ҳисобида мағлуб этиб,

Краснодарнинг «Кубань» жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади ва плей-офф босқичига йўлланма олди.

Ярим финалда ёш пахтакорчилар Москванинг «Крилатское» жамоаси дарвозасига жавобсиз еттига тўп киритишди.

Финал учрашувида «Пахтакор» яна «Кубань» жамоаси тарбияланувчиларига қарши тўп суриб, иккинчи ўинида ҳам 1:1 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди. Қоидага кўра, ғолиб пенальтилар сериясида аниқланадиган бўлди. Ун бир метрлик белгидан тўп тегишда рақибларига 3:4 ҳисобида имкониятни бой берган ҳамюртларимиз кумуш медал билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, «Пахтакор» жамоаси тарбияланувчилари ўтган йили мазкур турнирни учинчи ўринда яқунлаган эди.

САМБОЧИЛАРИМИЗНИНГ ГАЛАБАСИ

Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида самбо ва жанговар самбо бўйича илк мартаба ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистондан келган жами юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақада юртимиз шарафини Равшан Аҳмаджонов устозлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоасининг 27 нафар аъзоси муносиб ғолиб қилиб, ҳамюртларимиз барчаси совринли ўринларни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақада етти нафар самбочимиз — Дилафруз Абдурахимова, Екатерина Близнцова, Уғилу Рўзметова, Муқаддам Саримсоқова, Гулмира Исмаева, Соҳиба Эштемирова, Обида Алладўстова ўз вазн тоифаларида барча рақибларини енгиб, олтин медалга сазовор бўлишди. Финалда имкониятни бой берган Гузал Каримова ҳамда Шаҳло Турсунова кумуш медал билан тақдирланди. Бу натижалар самбочи қизларимизни умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашга кифоя қилди.

Эрақлар беллашувида терма жамоамиз вакиллари Элмурод Абраев ва Сардор Шафиқов шоҳсуланинг энг юқори

Саломатлик — туман бойлик

ЭСТАФЕТА БАҲСЛАРИ ҚИЗИҚАРЛИ ҲАМ

Тошкент Тиббиёт академиясида талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, саломатликларини мустаҳкамлашга муҳим эътибор қаратилади. Жумладан, тез-тез турли мусобақалар, спартакиадалар, югуриш эстафеталари ўтказиб турилади.

Куни кеча академияда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган спорт эстафетаси мусобақаларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Турнирда Тошкент Тиббиёт академиясининг 1, 2 ва 3-клиникалари шифокорлари ҳамда даволаш, тиббий-педагогика, стоматология, тиббий профилактика ва олий тоифали

ҳамширалар тайёрловчи факультетларнинг профессор-ўқитувчилари жамоалари 400 метрга югуриш, футбол, волейбол, шахмат ва шейпинг бўйича галаба учун кураш олиб боришди.

Эндиликда 14 кун давомида ҳар бир жамоада шундай мусобақалар ташкил этилиб, 22 апрель куни 2-Тошкент Тиббиёт ака-

демияси спорт мажмуасида мусобақаларнинг финал босқичи спорт байрами сифатида ўтказилади.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: спорт эстафетаси мусобақаларининг очилишдан лавҳа

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Спорт янгиликлари

поғонасига кўтарилди. Финал баҳсида гиламга чиққан Кодир Султонов ва Илья Сагиров кумуш медални кўлга киритди. Фозил Холбозоров, Баҳром Ҳозиев, Сурен Аҳаев, Карим Шарипов ва Нодир Аҳмадов кучли учликдан жой олди. Умумий натижага кўра, терма жамоамиз иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Жанговар самбо бўйича ҳам ўзбекистонлик спортчилар рақибларидан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилди. Ҳал қилувчи беллашувларда рақибларини мағлубиятга уратган Озод Пардаев, Жамол Каримов, Элдор Фуломов, Зариф Расулов ва Музаффар Эрматов биттадан олтин медалга эга бўлди. Жаҳонгир Эшманов ва Фаррух Жумаев иккинчи, Расул Тўрақуллов ҳамда Давлат Аҳмедов учинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамизнинг умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашга муносиб ҳисса қўшди.

КОРТДА ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВЛАР

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсирилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиздан ташқари Россия ва Қирғизистондан келган жами тўқсон нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

1993—1996 йилларда туғилган ўсирилар ўртасидаги финал беллашувида фарғоналик Артём Арустаман пойтахтлик Мухаммад Аҳмаджамолни енгиб, халқаро турнир ғолиби бўлди. Учинчи ўрин тошкентлик Павел Цойга насиб этди. Қизлар ўртасида эса россиялик Екатерина Зуева ҳал қилувчи баҳсда ҳамюртимиз Алина Фольцанд устун келди. Тошкентлик теннисчи Валерия Коротина кучли учликдан жой олди.

1997—1999 йилларда таваллуд топган теннисчилар мусобақасида барча совринли ўринлар Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган спортчиларга насиб этди. Учал болалар баҳсида кучли учлик Жўрабек Каримов, Александр Покусоев ва Андрей Шипиловдан таркиб топди. Қизлар ўртасидаги финалда Гузал Низомова рақибаси София Бахтиёрванга мағлуб этди. Яна бир иқтидорли теннисчи Лилия Измайлова учинчи ўриндан жой олди.

УЧИНЧИ ТУР ЯҚУНЛАНДИ

Бухорода эрақлар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг «А» гуруҳида учинчи тур учрашувлари яқунланди. Мусобақада пешқадамлик қилаётган Тошкентнинг МХСК клуби кутлмаганда Навоийнинг «Ожанин» жамоасига 79:84 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Бироқ тошкентликлар қолган икки учрашулда «Тошкент Давлат техника университети»ни 87:71 ва Бухорининг «Университет» жамоасини 75:60 ҳисобида енгиб, пешқадамлик мавқеини сақлаб қолишди.

«Ожанин» баскетболчилари ҳам «Тошкент Давлат техника университети»дан 66:59, «Университет»дан 104:101 ҳисобида устун келди. «Тошкент Давлат техника университети» ва «Университет» жамоалари ўртасидаги учрашув 92:85 ҳисобида пойтахтлик талабалар фойдасига ҳал бўлди.

БИРИНЧИЛИК ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида бокс бўйича ўсирилар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида икки юз нафардан зиёд иқтидорли спортчи ўн тўрт вазн тоифасида ғолиблик учун рингга чиқди.

Мусобақада энг кўп — тўртта олтин медал Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилган боксчиларга насиб этди. Фарғоналиклардан Ақромжон Мамажонов, Барҳат Обидов, Равшан Абдуназаров ва Исрол Сотимов ўз вазн тоифасидаги барча учрашувларда зафар қучиб, биринчилик ғолиби бўлди.

Қолган олтин медаллар бухоролик Шаҳобиддин Зоиров, андижонлик Жавлон Эшматов, жиззахлик Жаҳонгир Давидов, Ҳайитжон Эрматов, наманганлик Бургут Ҳожибоев, Бобурмурзо Фуломов, тошкентлик Фозил Жумақуллов, хоразмлик Мирзабек Ҳасанов, сурхондарёлик Акмал Ҳасанов ва Тошкент вилояти вакили Элнур Абдураимовга насиб этди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. 2009 йил 28 апрель куни соат 11.00 да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 14.09.2007 йилдаги 10-0712/7080-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Тошметромахсускурлиши» («Метроспецстрой») бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Байнал-Минал кўчаси 100а-уйда жойлашган, (олдин кислород станцияси бўлган) База биноси. Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм. Мазкур кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 01036, ИНН: 200933850, х/р: 20210000300571452114. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.www.rkmb.uz.

Савдоларга марҳамат!

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2009 йил 1 апрелдаги ақримларига асосан қуйидаги корхоналар-ни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан қузатув жараёни бошланди.

Table with 8 columns: №, Корхона номи, Мақоми, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ОКПО, Хўжалик судининг ақрим рақами, Муваққат бошқарувчи, Банкротлик иши қўйилган куни ва соатга кўради.

Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 13 апрелда соат 10-00да ўтказилади. Қузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани ДСИ биноси, Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона. Банкротлик иши 2009 йил 14 апрел соат 17-00да, Тошкент шаҳри, Чўпон-ота кўчаси, 6-уй, 4-сонли суд залида. Тошкент шаҳар Хўжалик суди биносида (судья Г.М.Таирова томонидан) қўрилади.

Ўзбекистон Бадий академияси

тасарруфидоги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати 2009-2010 ўқув йилига 2002 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни тасвирий санъат ва мусиқа бўлимларига танлов асосида ўқишга қабул қилади. Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти бўлган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Аризалар 2009 йил 1 майдан 29 майгача қабул қилинади. Қабул имтиҳонлари 30 майдан бошланади.

Манзилимиз: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 1 А-уй. Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182, 141, Йўналишли таксилар: 14, 15, 21, 22. Телефонлар: 274-92-21, 274-96-45, 274-96-44



Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1 рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3824 нусxada босилади. Қозғо бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

2 5 6